Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2002 YIL
11 IYUN
SESHANBA
№ 73 (26.932)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ШҲТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ БОЙ ТАЖРИБАСИ ВА АЛОҚАЛАР РИВОЖИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 6-7 июнь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган саммитида иштирок этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига ўтган йилнинг июнь ойида асос солинган эди. Ўшангача «Шанхай бешлиги» деб аталиб келган бу тузилма Ўзбекистон қўшилиши билан ўз фаолияти қамровини кенгайтирди.

Санкт-Петербург саммитида ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусига мўлжалланган режалар муҳокама этилди. Табиийки, бу саммитнинг асосий натижаси ташкилотнинг Хартияси қабул қилинганидир. У халқаро муносабатлар тизимида пайдо бўлган янги ташкилотнинг ҳуқуқий пойдевори бўлди. Хартия имзоланиши билан ШҲТ доирасидаги ташкилий-ҳуқуқий ишлар ниҳоясига етказилди, деб ҳисоблаш мумкин.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузишдан кўзланган асосий мақсад қўшни мамлакатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, уларнинг хавфсизлик соҳасида, иқтисодий ва ижтимоий жабҳалардаги ҳамкорлиги равнақ топиши учун қулай шарт-шароит яратиш ва янги имкониятлар очишдан иборат эди. Бугунги кунда ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларини хавфсизлик ва иқтисодий масалалар ташкил этмоқда. Зотан, бу икки омил бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Хавфсизлик масаласини оладиган бўлсак, ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият бу борада янгича ёндашувга эҳтиёж сезаётганини илғаш қийин эмас. Бу ёндашув ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларига таяниши керак. ШҲТ ана шундай ёндашув, хавфсизликнинг янги концепциясини юзага келтирди, десак, янглишмаймиз. Ўтган йили 15 июнь куни имзоланган Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси қаторига Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги битим қўшилди.

ШҲТ тузилганига энди бир йил бўлди. Лекин бу вақт давомида дунё кескин ўзгаришларни бошдан кечирди. Хавфсизликни таъминлаш учун барча давлатлар ҳамжиҳат ҳаракат қилиши лозимлиги бутун дунёда эътироф этилди. Лекин бу ҳамкорлик фақат ҳарбийлашган соҳалар бўйича қарор топтирилса, кутилган натижага эришиш қийин. Дунё мамлакатлари кенг кўламли ҳамкорликни вужудга келтириши керак. Қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, уюшган жиноятчилик, айирмачилик каби очиқ иллатлар қаторида, қашшоқлик, ишсизлик, саводсизлик, ирқий, этник ва диний камситишлар сингари баъзида кўзга яққол ташланмайдиган муаммоларга қарши ҳам курашиш лозим. Зеро, хавфсизликка таҳдид айни шундай муаммолар негизида пайдо бўлади. Ишсиз, қашшоқ, дунёқараши ва тафаккур доираси тор бўлган одамларгина ўзгаларнинг макрига осон илинади. Бир сўз билан айтганда, Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, террор ва зўравонликнинг ижтимоий асосларини бартараф қилмоқ лозим.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари хавфсизлик борасидаги ҳамкорлигини мана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришга келишиб олди. Саммит қатнашчилари террор ва зўравонликнинг олдини олиш учун қинғир йўллар билан топилган пулларнинг қонуниийлаштирилишига қарши курашиш заруллигини ҳам таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли Владимир Владимирович,

Муҳтарам давлат раҳбарлари ва делегация аъзолари,

Аввало, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити иштирокчиларини қутлаб, ушбу анжуманда иштирок этаётган барча давлат раҳбарларига ўзимнинг самимий эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Владимир Владимирович Путинга меҳмондўстлиги, самимияти ҳамда Россия ва Европа маданияти тарихида ўзига хос ўринга эга ажойиб Санкт-Петербург шаҳрида ўтаётган бу ғалги саммит юқори даражада ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Шанхайда мазкур ташкилотимиз таъсис этилганидан буён ўтган бир йил мобайнида дунё ҳамжамияти ўз тараққиётининг фавқулодда мураккаб ва масъулиятли даврини бошдан кечирди. Бу давр фундаментал муаммолар ва халқаро хавфсизликка таҳдид, биринчи галда, сайёрамиздаги тинчлик ва барқарорликка энг кўп даражада хавф солаётган халқаро терроризм таҳдидига тўқнаш келаётган сифат жиҳатдан янги дунё тартиботи билан тавсифланади.

Яқин ўтмишимиз воқеалари ва далиллари барчамиз эътиборга олишимиз лозим бўлган яна бир аччиқ ҳақиқатни намоён этди: нечоғлик мукаммал қурол ёки қудратли ва замонавий ядро-ракета воситаларига эга бўлмасин, дунёнинг ҳеч бир мамлакати бугунги кунда ўзини ушбу даҳшатли таҳдиддан холи деб ҳисоблай олмайди. Фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билангина халқаро ҳамжамият инсониятга хавф солувчи тобора кучайиб бораётган ана шу таҳдиддан халос бўла олади.

Шу муносабат билан биз Россия — Америка саммити натижаларини ва Москва шаҳрида имзоланган ҳужжатларни ҳамда Россия билан НАТО ўртасида сифат жиҳатдан янги муносабатлар тўғрисидаги Рим декларациясини қўллаб-қувватлаймиз ва юқори баҳолаймиз.

Эришилган келишувлар, бизнинг фикримизча, вужудга келаётган халқаро вазиятни оқилона ва тўғри баҳолаш натижаси бўлиб, ҳеч шубҳасиз, янги, ўзаро ишончга ҳамда бутун дунёдаги хавфсизликка асосланган концепция ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бу галги саммитининг аҳамияти, энг аввало, ниҳоятда муҳим ҳужжатлар — Хартия, Декларация ва Минтақавий аксилтеррор тузилма тўғрисида битим имзоланиши билан белгиланади.

ШҲТнинг асосий ҳужжатлари бўлган Хартия ва сиёсий Декларация ташкилотнинг ўзи ва айни пайтда унинг асосида тузилиши мумкин бўлган барча тузилмаларнинг кенг кўламли фаолияти учун зарур асос яратади ҳамда халқаро ва давлатлараро алоқалар тизимида унинг ўрнини белгилайди.

Ўзбекистон ШҲТнинг Хартия ва Декларацияда эълон қилинган ҳамда минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, халқаро террорчилик, айирмачилик ва экстремизмнинг барча кўринишларига, шунингдек, наркотрафик ва оммавий қирғин қуроли тарқалишига қарши курашга йўналтирилган асосий мақсадли вазифаларини; гуманитар соҳада, ижтимоий ва маданий тараққиёт соҳаларидаги кўп томонлама, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди.

Ҳеч шубҳасиз, ШҲТнинг ушбу ва бошқа муҳим мақсад ва тамойилларининг амалга оширилиши барча иштирокчи давлатлар манфаатларига бирдек мос келади.

Шу муносабат билан юқорида қайд этилган ҳужжатларда ШҲТнинг блок ёки ёпиқ турдаги бирлашма эмаслиги, унинг очиқлиги, дунёнинг барча давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан БМТ Низоми, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ кенг кўламли амалий мулоқот ва ҳамкорликка тайёрлиги кўзда тутилиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Биз ҳар бир давлатнинг ва бутун Марказий Осиё минтақасининг суверен, олға интилувчи ва барқарор тараққиётини қўллаб-қувватловчи барча давлатлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлишимиз, бу ерда геосиёсий рақобат ва зиддиятлар пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз керак.

Биз шу йилнинг май ойида Россия ва АҚШ президентлари томонидан имзоланган Қўшма декларациядаги ушбу баёнотни қўллаб-қувватлаймиз: «Биз Марказий Осиёда ва Жанубий Кавказда барқарорликни, минтақадаги ҳар бир давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашдан манфаатдор эканлигимизни тан оламиз. Россия билан АҚШ «буюк давлатлар» рақобатининг ўзини оқламаган моделидан воз кечади, зеро бу йўл мазкур минтақадаги вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкин».

(Давоми 2-бетда)

ЎТГАН ҲАФТА:
ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУШТАРАК ЙЎЛЛАРИ

Ўтган ҳафтанинг 6-7 июнь кунлари Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ)га аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлган навбатдаги саммити минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Аввало бир нарсани билиб олайлик: Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ўзи нима? У қандай вужудга келган? Асосий вазифалари нималардан иборат? Фаолият доираси ҳақида қандай тасаввурга эгамиз? Ва ниҳоят, бу галги саммитдан кутилган мақсад нима эди?

Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг 15 июнь куни Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон давлатлари раҳбарлари ўзаро келишувга кўра Шанхайда учрашиб, бу учрашув Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ташкил этилганлиги ҳақидаги Декларация қабул қилиниши билан мустаҳкамланди. Дастлаб «Шанхай бешлиги» деб ном олган бу ташкилотнинг асосий вазифаси — Хитойнинг собиқ иттифоқ сарҳадлари бўйлаб жойлашган (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон) чегараларида ўзаро ҳарбий ишончга ва қуролли кучларни қисқартириб боришга эришиш эди.

Бугина эмас. Ташкилот Декларацияда — ШҲТ ўз мазмун-моҳиятига кўра, тинчлик ва осойишталик барқарорлигига хизмат қилувчи, минтақавий хавфсизликка таҳдид соладиган ҳар қандай хавф-хатарларнинг олдини олувчи, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкам боғловчи, халқлар маданиятининг ривожи ва бой маданий-маънавий меросни асраб-авайлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшувчи, пировардида, Инсоннинг устувор ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этувчи кенг кўламли ва кўп қиррали (кўп тармоқли) ташкилот эканлиги ҳам уқтириб ўтилганди.

Шунингдек, Декларацияда кўзда тутилган бу вазифаларнинг ижроси йўлида вақт ва вазият тақозоси билан зарур ҳолларда бошқа тадбирлар ҳам кўриш, ёхуд янгиянги ҳаракат механизмлари яратиб бориш ҳам режалаштирилди. Жумладан, кенгашлар, учрашувлар ўтказиб туриш, маслаҳатлашиб олиш, тегишли ҳужжатлар қабул қилиш, ахборот алмашиб туриш, уларни шерикчилик асосида амалиётга жорий этиш ва ҳоказо. Уларда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, Ташқи ишлар ва Мудофаа вазирликлари, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик органлари, экспертлар ва бошқа дахлдор идораларнинг мутасадди мутахассислари фаол иштироки алоҳида белгилаб қўйилди.

Шу нуқтаи-назардан Ташкилот доирасида унга аъзо давлатларнинг сиёсий органи — Миллий Мувофиқлаштирув кенгаши (ММК) тузилди. Кенгашнинг вазифаси — Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятини мунтазам мувофиқлаштириб бориб, тегишли вазирликлар ва идораларнинг баҳамжиҳат ишлашини таъминлашдан иборат бўлди. Унинг иш жараёни ва фаолият ваколатлари келишувга, ёхуд мамлакатларнинг Ташқи ишлар вазирлари имзолаган муваққат низомга кўра назорат қилиб борилади.

Газеталар тахламларини қаранг, оммавий ахборот воситалари ёритган мана бу саналарга кўзингиз тушиши, табиий:

2001 йил, 14 сентябрь. Алмати. ШҲТ ҳукумат раҳбарларининг илк учрашуви ўтказилди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Россия, Қирғизистон, Тожикистон бош вазирлари минтақалараро иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақидаги меморандумга имзо чекдилар.

2001 йил, 17-19 сентябрь. 11 сентябрь АҚШда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризмга қарши кураш яқдиллиги борасида Қўшма баёноти қабул қилинди.

2002 йил, 24 апрель. Алмати. ШҲТга аъзо давлатлар чегара хизмати раҳбарларининг мажлисида чегара хизматлари фаолияти хусусида фикрлашиб олинди. Террорчилик, ғайри-қонуний муҳожирлик ва наркотик моддалар контрабандасига қарши кураш йўлидаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланди.

2002 йил, 26 апрель. Москва. Мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг йиғилишида бутун диққат-эътибор минтақавий хавфсизлик ҳамкорлигининг бугунги кундаги энг муҳим масалаларига қаратилди. ШҲТнинг ривожланиш истиқболлари, июнь (яъни, ўтган ҳафта бўлиб ўтган!) саммитига тайёргарлик кўриш, Ташкилот Хартияси (низоми) лойиҳаси билан танишиш масалалари муҳокама қилинди.

2002 йил, 15 май. Москва. ШҲТ мамлакатлари Мудофаа вазирликларининг хавфсизлик ва мудофаа жабҳаларидаги вазифалари белгилаб олинди. Чунончи, ШҲТ доирасида аксилтеррор машқлари ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш юзасидан ишчи гуруҳлари тузиш масаласи кўтарилди. Бишкек (Қирғизистон)да ҳудудий аксилтеррор тузилмаларнинг доимий органларидан бирини ташкил этиш ва тузилманинг экспертлар томонидан ўрганиб чиқилган лойиҳасини муокама қилиш режага олинди.

2002 йил, 22-23 май. Алмати. Ташкилот ММКнинг навбатдаги йиғилишида 7 июнь куни ниҳоясига етган саммитнинг якуний ҳужжатлари тайёрланди.

Дарвоқе, 6-7 июнь кунлари ШҲТнинг Санкт-Петербургдаги саммитида давлатларнинг олий даражадаги раҳбарлари ташкилотнинг муштарак йўллари ва уни янада ривожлантириш истиқболлари тўғрисида музокаралар олиб бордилар. Кенгайтирилган таркибдаги расмий делегациялар ҳамкорлик тараққиётида ўзаро алоқа механизмларини такомиллаштириш хусусида атрофлича фикр алмашдилар.

(Давоми 3-бетда)

ТЕСТСИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА

— Мен инглиз тили бўйича олимпиада ғолиби бўлдим, — дейди Самарқанд давлат дорилфунуни қошидаги академик лицей битирувчиси Сарвиноз Шамсутдинова. — Танловнинг республика босқичи икки турдан, яъни ҳикояларни инглиз тилига таржима қилиш ва компьютерда берилган саволларга жавоб топишдан иборат эди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, республикамиз олий ўқув юртларига тест синовларисиз кириш ҳуқуқини қўлга киритдим.

— Мен ҳам биология фани бўйича республика олимпиадасида қатнашдим, — дейди Мақсуд Эргашев. — Танловда элликта тест саволларига 2,5 соат вақт ажратилди. Уч киши бир хил балл тўпладик. Ҳайъат аъзолари учаламизга ҳам олий ўқув юртларига кириб ўқиш имтиёзини берди. Энди Тошкент давлат тиббиёт институтига кириб ўқийман.

Шундай қилиб, академик лицей аълочи битирувчилари тестсиз олий ўқув юртига кириш имкониятига эга бўлишди.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«БАҚАТЕРАКНИНГ «УРУҒЧИ» ТУРИ КЕРАКМИ?»

Ушбу сарлавҳа остида газетамизнинг шу йил 14 май сонида чоп этилган танқидий мақолага мутахассис фикри

Мақолада кўтарилган мавзу чиндан ҳам муҳим ва долзарб. Қоларерса, унинг зарари тўғрисида «Правда Востока» газетасининг 1992 йил 5 март сонида чоп этилган «Соя ҳам, уй ҳам» («И Тень, И... Дом») сарлавҳали мақолада ҳам айтилган эди, аммо ўшанда бунга ҳеч ким эътибор бермади.

Ҳаммамизга маълум, ер юзида 140 дан ошиқ терак дарахти турлари мавжуд бўлиб, республикамизда уларнинг 40 дан ошиқ тури бор. Отабоболаримиз азалдан терак экиб, кўпайтириб, ундан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиб келишган. Оилада бола туғилса, унга атаб бир неча туп терак кўчати экишган, токи, бола улғайгунча тераклар ҳам унинг учун тикланажак уйга ишлатиладиган ёғоч бўлиши ҳисобга олинган-да!

Бундан ташқари, терак ҳавони тозалаб турувчи, йўллар, каналлар, уйлар, далалар атрофига кўрк бағишловчи дарахт тури бўлиб, у қишлоқ хўжалиги экинларини ҳар хил офатлар, шамоллар ва чанг-тўзонлардан асрайди, аъло навли қоғоз ва гугурт ишлаб чиқаришда асқотади.

Лекин унинг бир тури — бақатеракнинг «уруғчи» хили айни баҳор ойларида гул тукларидан пух чиқаради. Пух шамол таъсирида учиб, атроф-муҳитга тарқалади ва шифокорларимиз фикрига кўра, у инсон саломатлиги учун салбий ҳолатлар келтириб чиқаради.

Тўғри, 1994 йил Вазирлар Маҳкамасининг республикамизда «Теракчиликни ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахт турларини кўпайтириш тўғрисида»ги қарорига кўра ҳар бир ҳудудда ёғочбоп дарахт турларини кўпайтириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилган. Бироқ, уларда айнан бақатеракнинг «уруғчи» турини экиш тавсия қилинмаган. Фақат бундан 20-25 йил олдин бу терак тури тез ўсувчи бўлганлиги ва унинг салбий таъсирларини ҳали ҳеч ким билмаганлиги сабабли жойларда кўплаб экилган, айниқса, Тошкент шаҳрида улар кўпроқ ўтказилган.

Эндиликда мавжуд «уруғчи» туридаги пухли бақатераклар сони аниқланиб, улар тезлик билан кесиб ташланиши ва куз келиши билан ўрнига кўктерак, мирзатерак ва узоқ яшовчи эман, шумтол, каштан каби дарахт ниҳоллари ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хуллас, газетада кўтарилган мавзуни мутахассис сифатида қўллаб-қувватлайман. Бу билан теракчиликнинг инсон саломатлигига фойдали навларини кўпайтиришга ҳисса қўшган бўламиз, деб ўйлайман.

■ **Шермуҳаммад ЮСУПОВ,**
Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

АФИРАТО МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Май ойининг охирида Пекинда ўтказилган Осиё ва Тинч Океанининг тараққиёт молия институтлари (АФИРАТО) Ассоциацияси Бош ассамблеясида ҳамда 25-конференциясида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «Технологиялар тараққиёти» номинациясида ўзи илгари сурган «Мижозларга масофавий электрон хизмат кўрсатиш» (банк-мижоз) деб номланган маҳсулоти учун ғолиб деб топилди.

ЎзАнинг Миллий банк матбуот марказидан олган хабарига кўра, банк 2000 йилда «банк-мижоз» тизимини татбиқ қилишга киришган эди. Ушбу тизим web-технологияларга асосланган бўлиб, Интернет тармоғида кенг қўлланиладиган ўзига хос тизимдир. Бугунги кунда Миллий банкнинг республикамизнинг тўққизта вилоятидаги 18 та бўлими масофали банк хизматини таклиф этади, бу тизим хизматларидан 100 дан ортиқ мижоз фойдаланмоқда.

■ **(ЎзА)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Имкониятдан фойдаланиб, минтақамиз хавфсизлигига бевосита дахлдор бўлган, жумладан, афғон можароси масалалари хусусидаги айрим фикр-мулоҳазаларимни баён этмоқчиман.

Ўзбекистонда доим, каттами-кичикми, қўшнини танлаб бўлмайди, деган нақлга амал қилиб келинган. Демак, улар билан дўстона, иноқ, баҳамжиҳат ва тотув яшаш, уларнинг миллий қадриятлари ҳамда манфаатларини ҳурмат қилиш лозим. Бизнинг Афғонистонга нисбатан асосий ёндашувимиз ҳам ана шундай.

Тан олиш керакки, аксилтеррор ҳаракатларнинг асосий ҳарбий босқичи якунланиб, Афғонистонда террорчилик инфратузилмаси амалда яксон этилганига қарамай, бу ерда вазият қай йўсинда ривожланишини башорат қилиш мушкул. Ҳарбий-сиёсий кучларнинг қайта гуруҳланиши, террорчиларнинг вақтинча яшириниб олган тўдаларининг фаоллашуви ва маълум бир кучлар томонидан Афғонистон ичидаги турли гуруҳлар ўртасида кенг кўламли уруш ҳаракатлари келтириб чиқарилиши эҳтимолини инкор этиб бўлмайди.

Бунинг устига, Афғонистонда уруш йиллари давомида тўпланиб қолган катта миқдордаги ҳарбий техника, қуролласлаҳа, мина ва жанговар ўқлар сақланиб турибди. Ушбу вайрон келтирувчи кучни йўқ қилиш ёки сотиб олиш йўли билан бартараф этиш халқаро ҳамжамият олдида турган кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир. Биз аминмизки, қуролсизлантириш — Афғонистондаги аҳволни барқарорлаштиришнинг энг муҳим шартидир.

Афғонистонда наркотрафик кўлами тобора кенгайиб бораётгани алоҳида хавф туғдирмоқда. Афсуски, кўп бора баёнотлар берилганига қарамай, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида бу офатга қарши курашдан манфаатдор бўлган мамлакатларнинг саъй-ҳаракатлари ва имкониятларини бирлаштира оладиган мувофиқлаштирувчи режалар ишлаб чиқишга уринишлар ҳали кузатилмаяпти.

Бу балога қарши фақат жазо ва маъмурий чораларни кучайтириш, гиёҳванд моддалар етиштириладиган ҳудуд атрофида «хавфсизлик минтақаси» деб аталувчи зоналар ташкил этиш орқалигина эмас, балки биринчи навбатда, Афғонистон иқтисодиётида туб тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳолини бунёдкор меҳнат билан шуғулланишини таъминлаш воситасида курашиш керак.

Бугунги кунда Афғонистон жиддий қарорлар қабул қилиш арафасида турибди. Ушбу қарорлар яқинда бўлиб ўтадиган Лойя Жирғада ишлаб чиқилади ва кенг кўламли вакиллик ҳукумати шакллантирилади. Мамлакатнинг келажакда қайси йўлдан бориши ва унда қандай ижтимоий-сиёсий тизим ва давлат тузуми ўрнатилиши Лойя Жирғанинг нечоғлик муваффақиятли ўтишига боғлиқ. Бизнинг минтақамиздаги тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик ҳам кўп жиҳатдан мана шунга боғлиқ бўлади.

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуини кўриб чиқар эканмиз, биз ҳамкорлигимизнинг иқтисодий жиҳатларини ҳам унутмаслигимиз керак. Чунки мамлакатларимизнинг тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва осойишталик сари одимлаши кўпқиррали иқтисодий ҳамкорлик, иқтисодий тараққиёт эвазига таъминланиши мумкин.

Марказий Осиё давлатларининг ниҳоятда бой заҳиралари, илмий-интеллектуал салоҳиятининг Россия ва Хитой салоҳияти ҳамда иқтисодий ва технологик имкониятлари билан қўшилиши, назаримизда, муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни самарали амалга ошириш, савдо-сотиқ, инвестиция ва бошқа соҳалардаги ШҲТнинг барча иштирокчилари манфаатларини кўзловчи ҳамкорлик янада ривожланишига хизмат қилади.

Ҳамкорлигимизга оид биринчи навбатдаги муаммолар қаторида маъданли-хомашё заҳираларидан оқилона фойдаланиш, энергетиканинг мутаносиб инфратузилмасини яратиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби бошқа кўплаб масалалар борки, ҳар бир мамлакатнинг, умуман олганда, бутун минтақанинг барқарор ва жадал тараққиёти улар ечимига боғлиқдир.

ШҲТнинг ушбу барча мураккаб вазифаларни амалга оширишдаги ўрни ҳақида сўз юритадиган бўлсак, уни ўз иштирокчиларининг ҳолати ва имкониятларига мос, мумкин қадар очиқ, омилкор ва самарали ташкилотга айлантириш ниҳоятда муҳимдир. Саъй-ҳаракатларни совурмай, аксинча ҳамкорликнинг «Шанхай жараёни» қатнашчилари манфаатларига бир хилда мос бўлган асосий масалаларига сафарбар этиш зарур.

ШҲТ тузилмаларини институциявий ва ташкилий жиҳатдан шакллантириш жараёнларини тезлаштириш хусусида, жумладан, Котибият ишини ташкил этиш ва аксилтеррор гуруҳи фаолиятини жадаллаштириш борасида билдирилган айрим таклифларга келсак, ўйлайманки, бу масалалар белгиланган тартибда, барча зарур ҳуқуқий меъёрларга изчил риоя қилинган ҳолда ҳал этилиши лозим. Бу масалалар муҳокамасини тегишли ваколатга эга бўлган миллий мувофиқлаштирувчиларга топшириш даркор.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, бугунги учрашувнинг жуда муҳим бир жиҳати — муносабатлардаги ҳурмат-эътибор, ўзаро ишонч ва ҳамфикрлик ҳамда барча томонлар нуқтаи назари инобатга олинганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бундай ёндашув, шубҳасиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ШҲТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ БОЙ ТАЖРИБАСИ ВА АЛОҚАЛАР РИВОЖИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Саммитда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов хавфсизлик масаласига тўхталар экан, бу борада Афғонистондаги вазият муҳим ўрин тутишини таъкидлади. У ердаги аксилтеррор операциясининг ҳарбий босқичи ниҳоясига етган бўлса-да, ҳали вазият қай йўсинда ривожланишини башорат қилиш қийин. Мамлакатда кўп миқдорда қуроляроғ тўпланиб қолган. У яна бошқа одамлар қўлига тушмаслиги учун ижтимоий-иқтисодий вазиятни ўнглаш лозим. Бунинг учун кенг кўламли хорижий ёрдам керак бўлади. Иқтисодиётни тубдан ўзгартириш, одамларни иш билан таъминлаш ва шу орқали тинч ҳаётга қайтариш учун ҳали анча вақт ва кўп меҳнат талаб қилинади. Марказий Осиёнинг хавфсизлиги бевосита Афғонистондаги вазиятга боғлиқ бўлгани сабабли, ШҲТ аъзолари бу мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий тикланиш жараёнларига кўрсатилаётган ёрдамни янада кўпайтириш борасида бир-бири билан ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олди.

Ислом Каримов ШҲТ фаолиятида аъзо мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ривожини ҳар томонлама рағбатлантириш асосий вазифалардан бири бўлиши лозимлигини таъкидлади. Савдо ривожланиши ва сармоя фаол ҳаракатда бўлиши учун қулай шарт-шароит яратиш, кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастурини ишлаб чиқиш борасидаги мулоқотларни кўпайтириш зарурлигини қайд этди. Саммит қатнашчилари транспорт коммуникациялари ва энергетика иншоотларини барпо этиш, сувдан фойдаланиш, энергия заҳираларини қазиб олиш ва ташишга оид масалаларни муҳокама қилар экан, ушбу соҳалар бўйича истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда белгилаш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар томонлама фойдали бўлишини таъкидлади.

Учрашувлар давомида қайд этилганидек, хавфсизлик ва савдо-иқтисодий масалалардаги ҳамкорлик бир-бири билан узвий боғлиқдир. Хавфсизлик борасидаги алоқалар иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантирса, иқтисодий ҳамкорлик хавфсизлик борасидаги алоқаларни рағбатлантиради.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг асосини савдо-иқтисодий алоқалар ташкил этади. Товарлар, хизматлар ҳамда сармоя оқими фаол бўлган мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланади. Бу эса, муайян минтақада барқарор хавфсизлик таъминланишига олиб келади. Иккинчи томондан, хавфсизлик борасида яқин ҳамкорлик қилувчи мамлакатлар бир-бирининг ҳудудидаги вазиятни яхши билади ва иқтисодий соҳада ҳам, аввало, бир-бири билан шериклик қилишни афзал топади. Бинобарин, бугун ШҲТ минтақасини, стратегик нуқтаи назардан, улкан хавфсизлик зонаси ва иқтисодий интеграция ривожи учун катта имкониятлар мавжуд бўлган макон, деб аташ мумкин.

Яна бир муҳим жиҳатни қайд этиб ўтиш даркор. Санкт-Петербург саммитида давлат раҳбарларининг Декларациясига ҳам имзо чекилди. Унда ШҲТ ҳарбий блок ёки ёпиқ алянс эмаслиги, бошқа мамлакат ё давлатлар гуруҳига қарши қўйилмагани алоҳида банд билан қайд этилди. ШҲТ бошқа ташкилотлар ва мамлакатлар билан ўзаро манфаатдорлик асосида, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос ҳолда, кенг кўламли ҳамкорлик қилиши, янги аъзолар ҳисобига сафини кенгайтириши мумкин. Яъни, у халқаро муносабатлар тизимида демократия, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган ҳолда иш юритади. Шу боис ҳозирданоқ айрим давлатлар ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини маъқул топиб, унга қўшилиш истагини билдирмоқда.

Шунингдек, Декларацияда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти аъзолари Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаши ҳам алоҳида қайд этилган. Бу эса мамлакатимиз раҳбарияти юритаётган тинчликпарвар сиёсатнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг афзалликлари бу билан тугамайди. У чегарадош ҳудудларда вазиятни барқарорлаштириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасида бой тажрибага эга. Глобаллашув жараёни фаоллашиб бораётган бугунги кунда эса, кенг кўламли халқаро ҳамкорликсиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш мушкул. Давлатлар қўшни танламайди. Демак, қўшнилар билан келишиб, ҳамжиҳатликда иш юритиш лозим. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ана шу инкор этиб бўлмас ҳақиқатни рўёбга чиқармоқда.

Санкт-Петербургда Президент Ислом Каримов Россия, Хитой ва Тожикистон раҳбарлари билан учрашди.

Маълумки, Россия Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий шериги саналади. Мамлакатимиз ташқи савдосида Россиянинг улуши 23 фоизни ташкил қилади. Владимир Путин билан бўлган учрашувда икки томонлама савдо ҳажми 1 миллиард АҚШ долларига етаётгани мамнуният билан таъкидланди, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

ХХР раиси Цзян Цзэмин билан ўтказилган мулоқотнинг асосий мавзуини ҳам савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид масалалар ташкил этди. Томонлар транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Ислом Каримовнинг Имомали Раҳмонов билан музокаларида Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик, Афғонистондаги вазият ҳамда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Шундай қилиб, Санкт-Петербургда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ҳуқуқий асоси дунё юзини кўрди. Таъкидламоқ жоизки, учрашувларда Ислом Каримов «Шанхай жараёни», Цзян Цзэмин эса «Шанхай бурчи» деган янги атамаларни тилга олди. Бу аъзо мамлакатлар ташкилотни ҳар томонлама ривожлантиришга қатъий бел боғлаганидан дарак беради.

■ **Анвар БОБОЕВ,**
ЎзА махсус мухбири
Тошкент — Санкт-Петербург — Тошкент.

ҚЎШМА КОРХОНАДА ОЛТИНГУГУРТ ТАЛҚОНИ

Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманида Ўзбекистон — Олмония «Заурак-Милл» қўшма корхонаси очилди. Бу қўшма корхонада табиий газни қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган чиқинди — олтингугурт кристалидан қадоқланган олтингугурт талқони ишлаб чиқариляпти. Биологик хусусиятга эга, баҳоси унча қиммат бўлмаган маҳсулот харидоргир. Корхона жамоаси олтингугурт талқонини хорижга ҳам сотишни режалаштирган.

«Асака банк» томонидан ишбилармонларга 1,5 миллон АҚШ доллари ажратилди. Бу кредит ҳисобидан Германиянинг «Рота-Милл» фирмасидан тез кунларда замонавий технология асосидаги жиҳозлар ва асбоб-ускуналар келтирилиб ўрнатилади.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЛУҚМА

«ЭРТАГА КЕЛИНГ... ВА ЯНА 200 СЎМ БЕРИНГ»

Қарз сўраб бировнинг олдига қайта-қайта борсангиз, эҳтимол, оғринмассиз. Аммо, ўзингизга қонуний-тегишли бўлган пулни сўраб банкка икки-уч марталаб қатнасангиз, оғир ботаркан.

Айниқса, давлатимиз томонидан оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида берилаётган болалар нафақасини ўз вақтида ололмай бир кассирга муте бўлиб ўтирсангиз, жуда алам қиларкан.

Халқ банкининг Каттақўрғон шаҳар 1482/062 бўлимида Аширгул Холиқова деган кассир бор экан. Оналарнинг унга рўбарў бўлишга тоқатлари қолмаган, дейишади. Боиси, Аширгул Холиқова пул тарқатаётганда ҳар бир «бланка» учун 200 сўмдан олиб қолади. Майли, бу раҳбарининг кўрсатмасидир. Лекин оналарга бу оғирлик қилаяпти. Ҳеч бўлмаса, 50 ёки 100 сўм бўлса ҳам майлийди, дейишмоқда. Эътироз билдирсангиз балога қоласиз, сизни таниб олиб, ҳар гал пулга келганингизда: «Туштан кейин, эртага келинг», деб тавбангизга таяниради. Ахири «Қанча олсангиз ҳам майли, пулимни беринг», деб илтимосга ўтишга мажбур бўласиз, дейишади оналар. Яхшиси уларнинг ўзларидан эшитинг:

Кодирова Малоҳат, Ўзбекистон кўчаси, 117/21-уй:

«Учта болам бор. 2002 йил февраль ойи учун 4800 сўм пул олдим. 600 сўм олиб қолди. Қолган пайтлари 200 сўмдан олиб қолади. 2 нафар фарзандим мактабга боради».

Турсунова Ойдиннисо:

«Бир ёшу 3 ойлик туғма ногирон боламга 6700 сўм нафақа оламан. Ҳар сафар 200 сўмдан олиб қолади. Бўлмаса пул бермайди».

Жабборова Марҳабо, Мирзақулова кўчаси, 43-уй:

«Аширгул опанинг олдига пул олиш учун қатнайвериш жонимга тегиб кетди. Кейин ойнинг охирида келдим. Ўшанга ҳам гап топди. «Сиз учун ведомостни ёполмай ўтирибман», деб уришиб берди. 3450 сўмга «қўл» қўйдим. Лекин 3000 сўм берди».

Шаропова Нилуфар, Обиҳаёт кўчаси, 3-уй:

«Боламнинг нафақасини ўн марталаб сарсон қилгандан кейин уришиб, силтаб, худди ёнидан бераётгандай қилиб беради. Пул олишга боришга ҳам қўрқаман. Баъзан кутавериб тинка-мадорим қуриб кетади».

Бу воқеаларни ўз кўзим билан кўрмаганимда, ёш оналарнинг айтган гапларини ўз қулоғим билан эшитмаганимда, ишонмаган бўлар эдим.

Пул тарқатувчи Аширгул Холиқованинг муомаласидан ёқа ушладим. Одамлар билан бундай қўпол муомала қилишга унинг нима ҳаққи бор? Ўз манфаати учун бировнинг пулидан уриб қолиш жиноят эмасми?

Халқ банки Каттақўрғон шаҳар бўлими бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Нодира Янгибоева билан суҳбатлашганда: «Бўлди, ўзимиз тартибга чақирамиз, бундан буён ундай қилмайди, 4 нафар фарзанди бор-да», деган эди. Афсуски, орадан бир ой ўтиб, бошлиғи тартибга чақиргандан кейин ҳам Аширгул Холиқова «тартиб»га кирмади. Ойлик маошидан 40 фоиз ушлаб қолиниб, А. Холиқовага ички маъмурий жазо берилибди. Унинг устидан тушган ариза, шикоятлар эвазига бу!

Яқинда билдим, уни Халқ банкининг Каттақўрғон шаҳар бўлими 1482/062 омонат кассасидан 1482/02 омонат кассасига ўтказишибди. Бу Халқ банки раҳбариятининг ўзига хос жазолаш усули бўлса керак-да... Ишқилиб у ерда унга инсоф берсин. Акс ҳолда, раҳбарлар унга яна янги иш жойи ахтариб, овора бўлиб қолишади...

■ **Эркатош ШУКУРОВА,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги темир-бетон буюмлари очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси жорий йилнинг ўтган беш ойлик топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича ошириб уддалади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни бугунги кунда мамлакатимизнинг Тўполанг сув омбори, Арнасой сув ҳавзалари иншоотлари, Чимён-Чорвоқ дам олиш мажмуалари сингари долзарб қурилишларда учратасиз.

— Уч юз нафарга яқин ишчи-хизматчи тер тўкиб ишлаётган жамоамизда меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси ва қулай иш шароитларига алоҳида эътибор берилмоқда, — дейди корхонанинг илғор пайвандчиси Рустам Ражабов. — Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 80-85 минг сўмга тўғри келаяпти.

Замонавий технология асбоб-ускуналари билан жиҳозланиш, қўлда бажариладиган иш жараёнларини автоматлашган техника воситалари зиммасига юклаш — жамоа диққат-марказида. Олинган фойда миқдори ишлаб чиқариш қувватларини янада такомиллаштириб, ободончилик ва ишчи-хизматчилар турмуш тарзини яхшилаш сингари жабҳаларга йўналтирилмоқда.

Суратларда: 1. Илғор пайвандчи Рустам Ражабов иш устида. 2. Цех бошлиғи Абдуқаҳҳор Саъдуллаев (ўртада) қолипловчи Беркин Ўтанқулов ва ишчи Жалол Ҳакимов билан тайёр маҳсулотлар майдончасини кўздан кечирмоқдалар. 3. Корхонанинг ишлаб чиқариш участкаларидан бир лавҳа.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ҚОНУН, САВОДХОНЛИК

Шарқ халқлари, жумладан, бизга муайян саволга аниқ қилиб жавоб бериш у қадар ёқавермайди. Чунки кўп давраларда ўтиш даври ҳақида гапирамизу, сўзловчини тўхтатиб: «Ўзи қандай тузумдан қайси тузумга ўтяпмиз?» – деб сўрасангиз, баъзан ўша одамнинг ғудурланиб қолганига гувоҳ бўласиз. Ҳолбуки, бу масалада жавоб ниҳоятда аниқ.

Биз «социализм» деб аталган, амалда тоталитаризм (давлатнинг мутлақ ҳукмронлиги), авторитаризм (якка шахсга ҳаддан ташқари ҳукм юргизиш имконияти берилганлиги), ҳарбий коммунизм (қурол, диктатура кучи билан мажбурий равишда тузум ўрнатиш) бўлган мустабид (зулмга асосланган) тузумдан воз кечдик. Янги қурилаётган тузум қуйидагича номланади:

1) бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум;

2) бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти;

3) бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат.

«Демократик тузум», «фуқаролик жамияти» ва «ҳуқуқий давлат» атамаларининг бир-биридан нозик фарқлари бор. Лекин улар моҳият эътибори билан бир тузумни англатади. Аниқроғи, бир тузумнинг уч муҳим жиҳатини билдиради.

Энди шу ифодаларда сўзларни у ёқ-бу ёққа силжитиб кўринг-чи!

Бу мумкин эмас. Чунки булар – ҳуқуқий атамалар. Улар давлат тузумининг хусусиятини билдиради. Бундай атамалар Асосий қонунимиз – Конституциямизга таянган ҳолда ишлатилади. Қонун тили эса – жуда нозик, ўта муҳим масала.

Ҳўш, «қонун» тушунчасига нималар киради? Конституция, унга таянган ҳолда қабул қилинган кодекслар, қонунлар, конституцион қонун (бундай қонунга асосан Конституцияга ўзгартириш киритилади), Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакатлараро ва халқаро битим, шартнома ва бошқа дипломатик ҳужжатлар, вазирлик, идора, концерн, компания ва бошқа ташкилотларнинг низомлари, қарорлари, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарининг буйруқлари, шахсни тасдиқловчи ва бошқа, шунингдек, давлат нотариуси тасдиқлаган ҳужжатлар...

Қонун тилини яхши билмаслик амалда тузумнинг хусусиятларини яхши англамасликдан, бу эса ҳаётдан орқада қолаётганингиздан далолат беради.

Бироқ қонун тилининг бугунги аҳволига назар солганда, олдимизда икки муҳим вазифа турганлиги аёнлашади.

Биринчиси – қонун тили мукаммаллигига эришиш.

Иккинчиси – аҳолининг қонунларни тушуниш даражасини ошириш.

Бу икки вазифа зиёлилар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу икки йўналишда ҳам муаммолар жуда кўп. Айримларини кўриб ўтайлик.

Қонунларимизнинг лойиҳалари кўп ҳолларда аввал рус тилида ёзилиб, кейин давлат тилига таржима қилиняпти. Чунки рус тилида қонунчиликка оид манба кўп. Бу тилда қонунчилик атамалари пухта ишланган, умуман, юридик услуб шаклланган. Аслида, қонун матни икки тилда ҳам тайёрланиши ҳаётий эҳтиёж бўлиб турганда, уни аввал қайси тилда ёзишнинг нима фарқи бор, деб ўйлашингиз мумкин. Гап шундаки, киши фикрлаётганда бир тил майдонида ўйлаши, шу майдондан сўз ва ифода излаши керак. Таржима қилаётганда, истайсизми-йўқми, шу вазият бузилади: аслият (оригинал) тилидаги ифода атрофида айланиб қолаверасиз.

Айтайлик, яқинда юқори ташкилотдан қуйи ташкилотга бир расмий ҳужжат келди. Унда ташкилотнинг номи «Маънавият ва маърифат» Республика Кенгаши» деб ёзилган. Ҳолбуки, бу жамоат ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил, 3 сентябрда имзоланган Фармонида «Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши» деб ўзбекча ҳар тарафлама тўғри ёзилган. Маълум бўладики, тилга олинган ана ўша юқори ташкилот юборгаётган ҳужжат аввал русча тайёрланган, кейин эса ундаги «Республиканский Совет по духовности и просветительству» бирикмасида икки сўз «Республика Кенгаши» тарзида ёнма-ён, лекин ўзбек тили табиатига зид тарзда қўлланган.

Худди шундай хатони айрим идораларда: «Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари» деган ёзувда ҳам кўрамиз. Бундаги «ўринбосар» оддий бир тилга оид хато билан корхонадаги учинчи ўринда турадиган раҳбар-га айланиб қолган. Чунки гўё бош директор бор, хўжалик ишлари бўйича яна бир алоҳида директор бор. Хонасига лавозимини хато ёзиб қўйган киши ана шу иккинчи ўринда турган, гўё «хўжалик ишлари бўйича директор»нинг ўринбосари бўлиб қолган. Ҳолбуки, корхонада бир директор ва унинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари мавжуд. Бу ҳам рус тилида «заместитель директора» бирикмасида икки сўз ёнма-ён келишининг ёмон таъсири, холос. Ҳеч шу «таъсир»лардан қутулолмаётибмиз-да.

Бу таъсир шу даражадаки, ҳатто, русча ***актовый зал*** бирикмасини таржима қилишда ҳам ўзи бу зал нима учун мўлжалланганини ўйлаш ўрнига ***акт*** сўзига ёпишиб оламиз. Саводсизларча ***акт*** сўзидан ***актив*** сўзини келтириб чиқариб, кираверишга ***фаоллар зали*** деб ёзиб қўямиз.

2002 ЙИЛ —ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

ИҚТИСОДИЁТДА ОЛИМ, МАҲАЛЛАДА МУРАББИЙ

Етмиш ёшга кирган одамнинг иши кўп бўладими ёки кам? Албатта, бундай ёшда одам болачақа ташвишларидан қутилган, оёқни узатиб кексалик гаштини суради-да, бошқа нима иши ҳам бор, дейишингиз мумкин. Лекин ҳозирги қариялар... тинибтинчимайдиганлардан. Айниқса, умрини илмга, фанга бағишлаган киши уйда диққинафас бўлиб ўтиролмаслиги бор гап. Тўғриси, бундай инсонлар маҳаллага ҳам керак: ёшларга таълим-тарбия бобида айтадиган гаплари жуда-жуда зарур. Бундан ташқари, масжидга бориши, йиллар синовидан ўтган дилторлар, қадрдонлар билан икки оғиз ҳангома, хуллас бу каби юмушлар кексалик гаштини сураётган кишиларнинг «иши» кўплигидан далолат.

Иқтисодчи олим ва мураббий, айни кезда пойтахтимизнинг Акмал Икромов тумани, Акмал Икромов маҳалласида кексалик гаштини сураётган Борий ака Раҳимов ҳам ана шундай «иши» кўп табаррук инсонлардан бири. Домланинг илм-фан жабҳасидаги заҳматли меҳнати ҳақида матбуотда кўп ёзилган. Унинг исми-шарифи муҳрланган қирқдан ортиқ китоб ва рисолалар, жумладан, 2 та монография, 3 та дарсликлар чоп этилган. Олим раҳбарлигида ўнлаб ёшлар фан номзоди илмий даражасини олиб ҳаётга, ишлаб чиқаришга учирма бўлган. Биз бу гал юқоридагилар ҳақида эмас, домланинг маҳаллада олиб бораётган ишларига бир баҳя тўхталишни лозим топдик.

Борий ака маҳаллада обрўли одам. Бу гап бизники эмас — маҳалладошлариники. У маҳалла раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари ҳисобланади. Илм-фандаги эришган ютуқларини айни кезда маҳалла ҳаётида қўллаяпти. Чунончи, шаҳар шароити бўлса-да, маҳаллада яшаётганларнинг аксариятида 4-5 сотих ёки ундан ҳам зиёдроқ ери бор хонадонлар йўқ эмас. Биринчидан, бир парча ер нима берарди, деган тушунчани ёшлар хаёлидан олиб ташлаб, ундан яхшигина даромад топиш, қолаверса, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшиш йўлларини ўргатмоқда. Унинг бу борада Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ёзган «Шахсий ёрдамчи хўжаликларининг вужудга келиши ва уларнинг иқтисодий ривожланиши», «Ўзбекистонда томорқа хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари» сингари китоблари қўл келмоқда.

— Бунга аввало, ўз хонадонимда ибрат кўрсатаяпман. Бир йил мобайнида 7-8 та қўчқор, 15-20 та товуқ боқаман, — дейди Борий ака. — Бу юмушларни фақат кун кечириш учун десам, тўғри бўлмас. Биласизми, агар имконият бўлса-ю, ундан фойдаланмасак — бу Яратганга ҳам ёқмайди. Имконият бор экан, маҳалла аҳли ундан фойдаланиши керак.

Домла билан суҳбатлашарканман, баъзи жойларда, шаҳар тугул қишлоқларда ҳам, экинзорлар, томорқа майдонлари беҳуда ётганини кўрганимни эсладим. Ахир, ер бебаҳо бойлик — жамики ризқ-рўзимиз манбаи. Ҳовли-уйлардан иборат маҳаллалар шаҳарларимизда қанчадан-қанча. Ҳар бир маҳаллада 400-500 ҳовли ёки хонадон мавжуд дейлик. Ана шу маҳаллада яшовчилар йилига биттадан новвос ёки қўчқор семиртириб боқса, эҳ-ҳе, қанча гўшт етиштирилади. Товуқ боқса ёки экин-тикин қилса-чи?! Бозор тўкинлигига, арзончиликка ҳисса қўшилган бўлади-ку. Борий ака маҳалла аҳлига, ёшларга мана шу ғояни сингдиради.

Борий акани илм-фан кишиси дедик. У ислом илмидан ҳам яхшигина хабардор. Ётганда ҳам, турганда ҳам дилида Яратганнинг номини такрорлаб юради. Қуръони карим сураларининг аксариятини ёд билади, шу билан чекланмай маҳалладошларига ундаги сўзларнинг маъносини тушунтириб беради. Бундай билимга инсон боласи фақат узоқ йиллар ўқиб изланиши туфайлигина эришиши мумкин. Яна бир гап: домланинг мутахассислиги қишлоқ хўжалиги иқтисоди соҳаси бўлса-да, Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб, Шайх Саъдий, Сўфи Оллаёр каби алломаларнинг асарларини ёддан айтиб берадилар. Борий ака ушбу алломалар асарларини қироат билан ўқиганда борми, ҳамма жимлик оғушига чўкади.

— Аҳмад Яссавий ёки Бобораҳим Машрабдан ёд ўқиганда қалбларимиз яйраб кетади, — дейди домланинг маҳалладошлари. — Ана шундай кезларда қалблари сел бўлган маҳалламиз кишилари маънавий ҳамда моддий озуқа бераётган Борий ака бор бўлсин, кўп яшасин деб алқайдилар.

Халқимиз маънавий бойлигининг юксаклигини улуғловчи бундай қарияларимиз ёшларга сабоқ бериш билан бирга эртанги кунга умидли қанот ҳам бағишлайдилар.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Ўрол Тансиқбоев деганда юртимиз табиатининг ажиб манзараларини мўйқаламда акс эттирган ажойиб санъаткор кўз ўнгимизда намоён бўлади. Академик, Ўзбекистон халқ рассоми Ўрол оға ҳаёт бўлганида ҳозир 98 ёшини қаршиларди. У таваллуд топган куни мўйқалам устасининг хотирасини улуғлаш, руҳи-поки шод қилиш ниятида қариндош-уруғлари, рассомчилик шайдолари Тошкентдаги қозоқ маданияти марказига тўпландилар. Бу ерда бир пиёла чой устида моҳир рассомнинг босиб ўтган ижодий йўли, қолдирган бой маънавий мероси, яратган ажойиб асарлари эсланди. Марказ раҳбари М.Бакиров, шаҳар маданият бўлими бошлиғи С.Жобоев рассом ижоди ва ҳаёти ҳақида сўзлади. Тадбир иштирокчилари Ўрол Тансиқбоев уй-музейини зиёрат қилдилар.

ТАБИАТ ШАЙДОСИНИ ЭСЛАБ

■ **Холиқул ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон халқ рассоми**

РУС ШЕЪРИЯТИНИНГ ҚУЁШИ

Жаҳон адабиётининг йирик намояндаси Александр Пушкин туғилган куни муносабати билан пойтахтимиздаги Пушкин хиёбонида шоир ихлосмандлари ва шеъриятни қадрловчилар йиғилдилар.

— Адабиётнинг абадийлигини қарангки, у мангулик китоби сингари қалбларда, авлодлар юрагида яшайверади, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов.

Йиғилганлар шоир ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Шундан сўнг, «Гулистон» журнали Бош муҳаррири, шоир Азим Суюн Пушкинга бағишланган мушоирани бошлаб берди.

Тадбирда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Д. Рюриков сўзга чиқиб, анжуман ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирди.

Йиғилишда қардош халқлар маданият марказлари вакиллари, таниқли шоир, ёзувчилар, ношир ва журналистлар қатнашдилар.

■ **Сарвар ЎРМОНОВ**

ЎТГАН ҲАФТА:

ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУШТАРАК ЙЎЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Масалаларга жуда катта масъулият ва оқиллик билан ёндашилган мазкур саммит ниҳояси салмоқли, залворли бўлди. Унда имзоланган ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси, ШҲТ Хартияси ва мамлакатлар ўртасидаги минтақавий антитеррор тузилмаси тўғрисидаги Битим — ҳамкорларнинг мақсад ва вазифалари бир, йўллари муштарак эканлигини, фақат муайян масалалардагина мустақил нуқтаи-назарлари бўлиши мумкинлигини, Ўзбекистон дўстлик, тинчлик, тараққиёт йўлида барча халқаро ташкилотлар сингари ШҲТ билан ҳам ҳамкорликни давом эттиришга доимо шайлигини ёрқин намоён қилди.

Саммитда қабул қилинган кўпдан-кўп ҳужжатлар таснифига кўра, террорчилик, айирмачилик ва экстремизм инсоният тараққиётига, жамият барқарорлигига, давлатлар хавфсизлигига, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва унинг яшаш ҳуқуқига ваҳшиёна таҳдид, таъбир жоиз бўлса, энг оғир жиноят сифатида кескин қораланди ва қонун билан жазоланиши қатъий қилиб қўйилди. Эндиликда ШҲТ аъзолари бундан буён ана шундай тадбирлар борасида бир-бирларини олдиндан огоҳлантиради, хавф-хатарли хатти-ҳаракатларни аниқлаш ва олдини олиш, уларга қарши биргаликда қарши курашиш, ёндашувларни мувофиқлаштириш бўйича мунтазам кенгашлар ўтказади, ахборотлар алмашади.

Шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари ва махсус хизматлар фаолиятларини мувофиқлаштириш йўлида ана шу тизимларнинг раҳбарлари ҳамда экспертлари иштирокида «Бишкек руҳи» деб ном олган йиғилишлар бўлиб туради.

Шу ўринда алоҳида айтиб ўтмоқ керакки, буларнинг ҳаммаси баъзи «сиёсатдон»лар гоҳо минғирлаб қўяётгандек, ШҲТ бошқа давлатлар ва минтақалар манфаатларига қарши қаратилган иттифоқ эмас, аксинча мамлакатлар тинч-тотувлиги, элу юрт фаровонлиги ва салоҳиятларини барқарорлаштиришга хизмат қилувчи ҳамкор, ҳамфикр, ҳаммаслак, ҳамроз ташкилотдир. Унинг амал қилувчи тамойили очиқликка асосланган. Мақсади, вазифалари агар маъқул тушса, манзур бўлса бу ташкилотга кўп овоз олиш йўли билан бошқа давлатлар ҳам исталган пайтда аъзо бўла олиши мумкин.

Саммитда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ғоят олижаноб мақсадлар билан тузилган ШҲТни баъзан ўта сиёсийлаштиришга уринишлар бўлаётганидан келиб чиқиб, унинг доирасида кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратганлиги, бутун жаҳон ҳамжамияти олдида айниқса диққатга сазовордир. Президентимизнинг табиий хомашё заҳираларидан тежамли ва самарали фойдаланиш, энергетика тизимини барпо этиш, атроф-муҳит муҳофазасига эътиборли бўлиш — ташкилотга аъзо давлатлар ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларидан эканлиги тўғрисидаги таклифлари саммит иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланганининг ўзиёқ — Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти мамлакатлари раҳбарларининг орзу-ниятлари, мақсад-муддаолари бирлигидан, ҳамжиҳатлигидан далолат!

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

САМАРҚАНД ҚОҒОЗИ ТАРИХИГА БАҒИШЛАНДИ

Куйи Саксония федерал ўлкасининг (ГФР) Хильдесхайм шаҳрида жойлашган «Рёмер — нелицаэс» музейида немис рассоми Вольфганг Тимманнинг «Трансферт маданияти: Ғарбни забт қилган қоғоз кашф этилганининг 1250 йиллиги» деб номланган кўргазма бўлиб ўтди. Самарқанд қоғозининг яратилиши тарихига бағишланган ушбу тадбир жорий йил март ойида Самарқанднинг Регистон майдонида бўлиб ўтган вернисажнинг мантиқий давомидир.

Вольфганг Тимман кўп йиллардан буён тарихий мавзуда ижод қилиб келади. Ўзининг ушбу янги лойиҳасида рассом Хитой ва Самарқанддан Европага қоғоз кириб келиши ҳамда унинг мазкур минтақа бўйлаб тарқалиши тўғрисидаги тарихий маълумотларга асосланади. Тарихдан маълумки, VIII-X асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд қоғози бундан қарийб ўн тўққиз аср аввал яратилган илк хитой қоғози билан муносиб рақобатда бўлган.

Немис рассоми ўзининг 4,5 метрлик полотносида ўрта асрлар қоғозларида учрайдиган белги ва тасвирларни ифодалаган. Улар буқанинг боши, оёқлар изи ҳамда инсон танаси шакли ва ҳоказолардир.

Кўргазманинг очилиш маросимида сиёсий, илмий, ишбилармон доиралар вакиллари ва журналистлар ҳозир бўлишди. Музей директори Элена Вассилики тўпланганлар олдида сўзга чиқиб, Буюк ипак йўлининг юраги — Самарқандда бундан 1000-1250 йил аввал ипак қоғози ва бошқа қоғозларнинг яратилиши инқилобий аҳамиятга эга бўлгани ва бу Осиё ҳамда Европа ўртасидаги алоқаларнинг ривожида катта аҳамият касб этганини таъкидлади.

Куйи Саксония Лантдаги Президенти профессор Вернштедт ўз чиқишида шу йил март ойида бўлиб ўтган кўргазмани ташкил этишга қўшган ҳиссалари учун Ўзбекистон ҳукумати ва Самарқанд ҳокимлигига самимий миннатдорлик билдирар экан, ўзбек маданияти ва иқтисодиёти вакиллари билан ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштириш ниятида эканлигини алоҳида таъкидлади.

■ **«Жаҳон» АА**

ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Денов туман ҳокимлиги ташаббуси ва «Хайробод пахта» ҳиссадорлик жамияти ҳомийлигида Денов шаҳар марказида «Оталар чойхонаси» қуришга киришилди.

— Шу даврга қадар қарияларимиз учун шинам ва обод чойхона йўқлиги бизни ушбу хайрли ишга ундади, — дейди жамият раиси, Олий Мажлис депутати Раҳмонқул Абдуллаев, — Ўн миллион сўм маблағ эвазига шарқона усулда қурилиши кўзда тутилган чойхона мустақиллигимизнинг 11 йиллик тўйигача фойдаланишга топширилади.

Қарияларни қадрлаш йилида савобталаб жамият аъзолари 50 нафар нуроний отахон ва онахонларнинг Термиз, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг қадимий қадамжоларини зиёрат қилишларига ҳам ҳомийлик қилди.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

ҚОНУН ВА ТИЛ

ВА ҲУҚУҚИЙ ОНГ

Буни русчага қайта таржима қилсангиз, ***зал активов*** бўлиб қолади. Ҳолбуки, ***акт*** бу ерда *воқеа, ҳодиса*, яъни бирон-бир *тадбир*, яъни *мажлис* маъносида ишлатилган. Масала шундоқ ҳам ойдин-ку: ***мажлислар зали*** деб қўйишимиз керак эмасми?!

Яна бир муаммо учрайди. Қонуннинг ўзбек ва рус тилларидаги матни бир хил бўлиши шарт. Акс ҳолда, бу кўп англашилмовчиликлар келтириб чиқаради.

Қамина 1999 йили Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганининг етти йиллиги муносабати билан мақола ёздим. У ҳам ўзбек, ҳам рус тилидаги газеталарда босилди. Мақолани рус тилида ўқиган зиёлиларимиздан бири мени гербни қонунга хилоф равишда талқин этганликда айблаб, қўнғироқ қилди. Қонунда гербимиздаги пахта чап тарафда дейилгани ҳолда, мен уни ўнг тарафда деб ёзган эмишман. Ҳолбуки, Давлат рамзларини қонунга хилоф равишда талқин этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Масалани ойдинлаштирдик. Маълум бўлишича, мен Давлатимиз герби тўғрисидаги Қонуннинг ўзбекча матнига, эътироз қилаётган биродаримиз эса унинг русча матнига таянаётган экан. Афсуски, 1992 йили қабул қилинган бу қонуннинг ўзбекчасида пахта «ўнг тарафда» деб, русчасида эса «чап тарафда» деб ёзилган экан. Бу ерда ўзбекчаси тўғри. Чунки биз гербга қараб турганимизда, пахта чап тарафимизда кўрингани билан, амалда у гербнинг ўнг тарафи ҳисобланади. Ахир, рўпарангиздаги одамнинг ўнг қўли, чап кўзингизнинг тўғрисида тургани билан, у чап қўл бўлиб қолмайди-ку.

Афанди бадхатроқ экан. Бировга мактуб йўлласа, ўзи бориб ўқиб беришига тўғри келар экан. Қонун бундай ёзилмаслиги керак. Яъни, у ҳаммага тушунарли бўлиши лозим. Қонун тили шундай бўлсинки, ҳеч қачон уни биров ундоқ, бошқаси бундоқ тарзда талқин этолмасин.

Афсуски, баъзан юқори ташкилотдан қўйи ташкилотга шундай ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат келадики, ижрочи ташкилот амалда айнан нима иш қилиши лозимлигини аниқлаёлмай қолади. Бу, охир-оқибат, давлатчиликни яхши изга қўйишга ҳам халақит қилиши мумкин.

Масалан, юқори ташкилотдан келган мана бу жумладан нимани англаш мумкин: «Ёшларнинг ижодий ва тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларининг муассасаларини аниқлаш ва ташкил этиш бўйича таклифлар ва намунавий Низом лойиҳаларини тайёрлаш». Жамғармаларни тушунамиз. Лекин «ҳудудий жамғармалар» нима? Бу ҳам майли. «Ҳудудий жамғармаларнинг муассасалари» нима? Ўзимизча, гап ёшларнинг ижодий ва тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган жамғармаларнинг ҳудудий бўлинмалари муассислари («муассасалари» эмас!) ҳақида бораётибди, деб ўйладик.

Қонуннинг яна бир талаби – унда тил қоидаси бузилмаслиги шарт. Айтайлик, ***бошлиқ, раҳбар, раис, мудир*** сўзлардан, ***-нинг***ни ишлатиш бошқа маъно бўёғи беради, яъни бу айнан Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатнинг эмас дегандай вазиятдагина ишлатилади. Шу маънода 1992 йили қабул қилинган Асосий Қонунимиз кейинги таҳририда ***-нинг***ни ташлаб, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» деб ёзган маъқул.

Тошкент шаҳри ҳокимияти биноси пештоқидаги ***Тошкент шаҳар ҳокимияти,*** Тошкент вилояти ҳокимияти биноси пештоқидаги ***Тошкент вилоят ҳокимияти*** бирикмаси ҳам тилимиз табиатига зид равишда ёзилган. Бу худди ***акамнинг укаси*** бирикмасини бошқа тил вакили ***акам ука*** деганидай гап. Чунки ***шаҳар ҳокимияти*** дейиш мумкин. Лекин ***Тошкент шаҳри*** – бошқа бирикма. Бу бирикмадан икки сўзни ажратиб бўлмайди. ***Ҳокимияти*** сўзи ана шу ***Тошкент шаҳри*** бирикмасига қўшилади.

Бунинг тайёр исботи бор: ҳеч ким ***Ўзбекистон Республика Президенти*** демайдику, ***Ўзбекистон Республикаси Президенти*** дейди. Мабодо, ***Ўзбекистон*** сўзи тушиб қолгудек бўлса, ***Республика Президенти*** деб ишлатиш мумкин.

Хуллас, давлатчилигимиз ривожлана борар экан, давлат тили равнақига эҳтиёж ортаверади. Қонун тилини, расмий-идоравий услубни такомиллаштириш амалда қонун устуворлигиґа эришишни ҳам, ҳуқуқий онгни ўстиришни ҳам таъминлайди.

Чунки тафаккур, жумладан, ҳуқуқий онг ҳам, ҳамма вақт тил орқали ривожланади.

■ **Султонмурод ОЛИМ**

ФИНЛЯНДИЯ. ПОРТ ШАҲРИ

ХИЗМАТЧИЛАР ЯНА ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

Замонавий ва мукаммал компьютер ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур йирик IBM компанияси бу йил яна 1,5 минг ишчи ўрнини қисқартиришни мўлжаллаб турибди. Қисқартириш асосан микроэлектроника ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи бўлимга тааллуқли бўлиб, бу бўлим ўзга компаниялар буюртмасига кўра уларга микропроцессорлар етказиб берарди. Энди мазкур бўлим тузилмаси ўзгартирилиши натижасида компаниянинг 7,5 фоиз хизматчиси ўз ишларидан маҳрум бўлади.

Хабарларга кўра, ишчи ўринларини қисқартириш компаниянинг фақат АҚШдаги бўлимларида амалга оширилади. Associated Pressда ёзишларича, ўтган йил ноябрда ҳам айнан шу бўлимнинг минг нафар хизматчиси ишдан бўшатилган эди.

ЭНГ УЗУН ОСМА КЎПРИК

Италия ҳукумати дунёда энг узун осма кўприк қуриш режасини маъқуллади. Бу кўприкнинг узунлиги 3,7 километр бўлиб, у Сицилия оролини Италия билан боғлайди. Кўприк лойиҳаси 4,3 миллиард долларлик сарф-харажатни талаб этади. Бу харажатнинг учдан икки қисмини Италия ҳукумати ўз гарданига олди. Қурилиш ишлари яна 2-3 йилдан кейин бошланиши кутилмоқда. Кўприкни тўлиқ қуриб бўлиш учун 5 йилдан 10 йилгача вақт кетади.

Дарвоқе, ҳозирча энг узун кўприк 1997 йилда қурилган. Японияннинг Авадзе ва Хонсю оролларини бир-бирига боғлаган Акаши — Кайкио осма кўпригидир. Унинг узунлиги 2 километрга яқин.

ШИМОЛИЙ ҚУТБДА АЁЛ

Буюк британиялик икки аёл — 35 ёшли молиячи Карлин Хэмелтон ва банк ходими, уч эгизакнинг онаси, 37 ёшли Энн Дэниэлслар яқинда Ер шарининг Шимолий қутбини забт этиб, у ерга Буюк Британия байроғини қададилар ва мамлакат мадҳиясини ижро этдилар. Улар қутбга 81 кунда етиб бордилар. Аслида аёллар экспедицияси 3 кишидан иборат эди, яъни 50 ёшли Пом Оливер ҳам улар билан бирга эди. Аммо унинг оёғини совуқ ургани боис саёҳатнинг 47-куни ортга қайтишга мажбур бўлди.

МАРАДОНАГА РУХСАТ ТЕГДИ

Япония оммавий ахборот воситаларида ёзишларича, аргентиналик машҳур футболчи Диего Марадонанинг Японияда ўтаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатига боришига рухсат берилди.

Аввал гиёҳвандлик можароларига аралашиб қолганлиги учун Диегонинг бориши тақиқланган эди.

Хабарларга қараганда, Япония адлия вазири Майуми Мориямнинг шахсан ўзи Марадонанинг мамлакатга сафарини тақиқловчи қарорни бекор қилди.

ЧИГИРТКАЛАР ҲУЖУМИ

Бурятия автоном округининг икки туманидаги 42 минг гектар экинзор миллионлиб чигирткалар «ҳужуми»дан зарар кўрди.

Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг матбуот хизмати берган маълумотларга кўра, эндиликда зарарланган майдонларга заҳарли химикатлар ёрдамида ишлов бериш режалаштирилмоқда. Бироқ ачинарлиси шуки, дори воситалари атиги 11 минг гектаргагина етар экан. Ҳозир чигирткалардан катта зарар кўрган округнинг Эхтирит-Булагатск ва Баяндаевск туманларида фавқулодда вазият тартиби эълон қилинди. Бу туманлардаги 1 квадрат метр экинзорда 200-230 тагача чигиртка мавжуддир.

НОҚОНУНИЙ ДЕБ ТОПДИ

Реутов шаҳар суди фарзанд доғида куйган оналар ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиқди.

Гап шундаки, «Курск» сувости кемаси ҳалокати сабабли ҳалок бўлган денгизчиларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиш борасида бир тўхтамга келинган эди. Аммо Шарқий флот қўмондонлиги эса бу ёрдамни «музлатиб» қўйган. Шундан сўнг «Оилалар ҳуқуқи» жамғармаси раҳбарияти азият чеккан оилалар ҳуқуқини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этди. Суд эса уларни қўллаб-қувватлади ва Шимолий флотга 10 кун ичида барча тўловларни амалга ошириш мажбуриятини юклади.

Арз қилувчиларнинг судда баён этишларича, тўлов Шимолий флот комиссиясининг қарорига кўра, шу йил 8 апрелдан эътиборан тўхтатиб қўйилган экан.

ҚАЛАМ АҲЛИГА ҲАМ АЙТАР СЎЗИМ БОР

МЕН ТАНТИ ЎЗБЕГИМНИНГ ҚАЛБИ ДУНЁГА ТАТИГУЛИК ОНАСИ СИЙМОСИДА ЯНА БИР БОР САҲНАГА ЧИҚСАМ АРМОНИМ ҚОЛМАСДИ

Ҳаёт оқар дарё экан. Буни қарангки, кўз очиб юмгунча, «кампир шафтолини данагидан айиргунча» саксонга қараб отни қамчилаб қўйибман. Бу одам чавандозми, деб ҳайрон бўларсиз. Албатта-да, узоқ йиллардан буён Бойчиборнинг жиловини маҳкам ушлаб, санъат майдонидаги кўпкариларда улоқни қўлдан бермай келаётган Барчинлардан бириман. Энг унутилмас, сархуш дамларим ортда қолди. Тоҳирларнинг Зуҳроси, Фарҳодларнинг Ширини бўлдим. Мажнунларнинг Лайлиси-ю, Ғарибжоннинг Санами! Қаҳрамонларим кечинмасини қалбимга жойлаб, ижод камарини белимга боғлаб, баҳодирлик ва мардлик туғини унча-бунча эркакдан қолишмай кўтариб, ҳали-ҳануз олға босишни ўйлайман. Очиғини айтсам, феълим бироз зиддиятлироқ. Лекин ниятим холис: яхшига яхши, ёмонга ёмонман.

Суратда: «Тошболта ошиқ» спектаклидан кўриниш; Тошболта — Сойиб Хўжаев, Рисолат — Фароғат Раҳматова

Биламан, «Аямиз саксонни қоралаб қўйибди. Мошкичирини еб, кетидан жигардекдина чучук қатиқни босиб-босиб хўплаб, тинч-ги-н-а-а-а, қарилик гаштини суриб уйда ўтирса бўлмайдими», дегувчилар ҳам кўп. Ҳақ гап! Бироқ бу — танганинг бир томони. Танганинг иккинчи томони ҳам бор-да. Ахир умримнинг оз эмас, кўп эмас ярим асрдан анчагина зиёд даврини театрим учун бахшида этдим. Ўша пайтлардаги сафдошларим (охирати обод бўлсин) билан Муқимий театрининг нуфузи, шону шавкатини сақлаш, уни имкон қадар кўкларга кўтариш учун жон-жаҳдимиз билан ишлаганмиз, изланишларнинг энг машаққатли йўллари ҳам асло чўчитолмаган бизни. Нурли манзиллар сари дадил, елкама-елка фақат олдга қараб интилганмиз. Шунинг учун ҳам театрим ҳаётидаги кичик бир ютуқдан бошим осмонга етади, болаларча қувнаб кетаман. Бир жойда депсиниш ёхуд ортга тисланишни кўрсам чидаб туролмайман: аралашаман, муносабат билдираман, билимим, тажрибаларим доирасида сабаб-оқибатларини кўрсатиб беришга ҳаракат қиламан. Ҳақ гапни айтиб, одамларга ёмон кўринишдан сира қўрқмайман. Шундай бўлиши ҳам керак: душмани йўқ одамдан қўрқ, деб бежиз айтмаган доно халқимиз.

Халқимга, она-Ватанимизга, қолаверса, ҳукуматимизга чуқур таъзим қиламан. Кўзимда нур, белимда қувват бор экан, халқим, юртим хизматига ҳамиша шайман. Машойихлар бежиз айтмаган: кувончингни дўст билан бахам кўрсанг икки ҳисса кўпаяди, кулфатингга дўст шерик бўлса иккига бўлинади. Менинг дўстларим эса... эҳ-ҳе шу қадар кўпки...

Қалам аҳлига ҳам айтар сўзим бор. Кучим, қувватим бор — саҳна чорлаб туради доим. Қани эди менга мослаб бир асар битилса-ю унда Она образи ёхуд оналар онаси — Момо сиймоси бўлса, жон-жон деб ўйнардим. У бағри-кенг, қалби меҳру мурувватга, муҳаббатга лиммо-лим образ бўлсин. Балки у бир сўзли, қайсарроқ, ҳукамо бўлару ана шулар замирида оналарга хос меҳру муҳаббат чўғдек товланиб, алангаланиб турар. Агар шундай бўлса жуда менбоп образ бўларди-да! Ҳар қалай машҳур рус актрисаси Елена Гоголева ёши саксонга борганда «Мамуре» комедиясида Мурелар сулоласининг онаси ролини қойилмақом қилиб ўйнаб қўйганини телевидение орқали кўриб, кўнглимга шу орзу-ҳавасни тугиб қўйгандим. Шу ниятимга етсам, армоним қолмасди.

■ **Фароғат РАҲМАТОВА,**
Ўзбекистон халқ артисти

ЯПОНЛАР БАЙРАМ ҚИЛИШМОҚДА, РУСЛАР ЭСА...

Кеча ўтказилган учта учрашувдан кейин барча гуруҳларда иккинчи тур ўйинларига якун ясалди. Хусусан, «Н» гуруҳида бир ўйин бўлди. Тунис — Бельгия учрашуви кутилмаганда дуранг (1:1) ҳисобида тугади. Бу натижадан кейин гуруҳда Япония 4, Россия 3, Бельгия 2 ва Тунис жамоаси 1 очколи бўлишди. «Д» гуруҳида ўтказилган ўйинлар ниҳоятда муросасиз давом этди. Жанубий Корея — АҚШ учрашуви 1:1 ҳисобида якунланди. Корейс футболчиси 11 метрлик жарима тўпини уролмади.

Португалия — Польша учрашувида яна бир хет-трек амалга оширилди. 14, 65, 77-дақиқаларда португал Педру Паулета уч марта дарвозани ишғол этди. Ниҳоят, 87-дақиқада Руи Кошта тўртинчи тўпни киритиб Португалия жамоасига ғирик ҳисобли ғалаба келтирди. Бу гуруҳда ҳозир Жанубий Корея ва АҚШ жамоаларида тўрттадан, Португалия ҳисобида учта очко тўпланди.

«В» гуруҳида ўтказилган ЖАР — Словения ўйинида киритилган ягона тўп африкалик футболчиларга ғалаба келтирди. Шундай қилиб ЖАР жамоаси очколари тўрттага етди. «G» гуруҳида эса иккита учрашув бўлди. Италия — Хорватия ўйини шиддатли ва ҳужумкор тарзда давом этди. Учрашувнинг биринчи қисмида Вьери тўп киритиб, Италияни олдинга олиб чиққан бўлса, кўп ўтмай хорватлар ҳисобни тенглаштиришди. Итальянларнинг иккита тўпи ўйиндан ташқари ҳолат деб инобатга олинмади. Охир-оқибатда хорватлар яна бир тўп киритиб, ғалабани мустаҳкамлашди. Мексика — Эквадор учрашуви ҳам шу ҳисобда якунланди. Мексикаликлар бу ютуқдан кейин очколарини олтитага етказиб, гуруҳда пешқадам бўлиб олишди. Италия ва Хорватия жамоалари ҳисобида учтадан очко бор.

«С» гуруҳидаги Бразилия — Хитой учрашуви Лотин Америкаси футболчилари учун ўзига хос байрамга айланди. Осиё жамоаси дарвозасига тўртта жавобсиз тўп йўллаган Бразилия футболчилари очколарини олтитага етказиб, навбатдаги босқичга йўлланмани деярли нақд қилишди. Коста-Рика — Туркия учрашувида ҳисобнинг 1:1 бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Турклар 56-дақиқада рақиблари дарвозасига тўп киритишди. Бу ҳисоб деярли ўйин охиригача сақланган эди. Лекин кутилмаганда Коста-Рика футболчилари қарши ҳужуми самарали кечиб, жавоб тўпи йўлланди.

Мухлислар «Н» гуруҳидаги Япония — Россия учрашувини сабрсизлик билан кутгандилар. Боиси, ҳозирча битта очко тўплаган мезбонларнинг бу ўйинда қандай каромат кўрсатиши-ю, русларнинг маҳоратини кўришга қизиқиш катта эди. Майдонда ниҳоятда тезкор ва ҳужумкор ҳаракат қилган японлар русларни бироз шошириб қўйишди. 51-дақиқада Инамото киритган тўп японлар юзини ёруғ қилди. Мезбонлар бу ғалабадан кейин тўртта очко билан гуруҳда етакчи бўлиб олишди. Энди навбатдаги босқичга қайси жамоаларнинг йўлланма олиши сўнгги учрашувларга боғлиқ бўлиб қолди. Бу мағлубият рус ишқибозлари ғазабини жунбушга келтирди, дейилади Интернет ахборотида. Хусусан, улар Москвада оммавий тартибсизликларни содир этишди: дўконлар, ресторанлар ва биноларнинг ойналарини уриб синдиришган.

Тартибсизликни тинчитиш учун отлиқ милиция ва омончилар ишга солинган. Шунга қарамай, бир киши ҳаётдан кўз юмиб, 100 нафарга яқин одам жароҳатланган. Албатта, бундай «ишқибозлик» футбол байрамига доғ туширади, ҳақиқий мухлислар обрўсига путур етказади. Аниқроғи бу мухлислик эмас, бебошлик, безорилик ҳисобланади.

Бугундан бошлаб гуруҳларда сўнгги якунловчи учинчи тур ўйинлари бошланади. Мухлислар кунига тўрттадан ўйинни томоша қилишлари мумкин бўлади. Хусусан, бугун Дания — Франция, Сенегал — Уругвай, Камерун — Германия, Саудия Арабистони — Ирландия жамоалари майдонга тушадилар.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ,**
Равшан ШОДИЕВ

«ПАХТАКОР» — «НАВБАҲОР» — 5:1

Япония ва Жанубий Корея яшил майдонларида XVII жаҳон чемпионати қизғин паллага кирган бир пайтда мамлакатимиз олий лига жамоалари 12-тур учрашувларини ўтказди.

Тошкентда Наманганнинг «Навбаҳор» жамоасини қабул қилган пахтакорчилар ўзларининг ғирик ҳисобдаги бешинчи ғалабасига эришдилар. Ушбу учрашувда Н.Қуттибоев, Л.Кошелев, В.Кирьян, Г.Гочқулиев, В.Котельниковлар киритган беш тўпга наманганликлар бир тўп билан жавоб қайтаришди, холос — 5:1.

Мавсумни бирмунча суст бошлаган «Нефтчи» футболчилари ҳам ўз ишқибозларини мамнун этди. Фарғоналиклар Бухорода мезбонлар устидан 3:2 ҳисобида зафар қучдилар. «Насаф» эса чемпионатда илк бор ғирик ҳисобда мағлубиятга учради. «Қўқон-1912» жамоаси қаршиликлар дарвозасига жавобсиз уч тўп йўллади — 3:0.

Турнинг бошқа учрашувлари қуйидагича якунланди: «Трактор» — «Металлург» — 3:2, «Самарқанд-Д» — «Қизилқум» — 0:2, «Сўғдиёна» — «Сурхон» — 1:0, «Зарафшон» — «Дўстлик» — 0:1, «Машъал» — «Андижон» — 3:2.

13-тур ўйинлари 15 июнь куни ўтказилади.

12-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	11	11	0	0	39-3	33
«Қизилқум»	12	8	1	3	27-13	25
«Насаф»	12	6	2	4	20-14	20
«Нефтчи»	12	6	2	4	19-13	20
«Бухоро»	12	6	2	4	18-22	20
«Самарқанд-Д»	12	5	3	4	13-14	18
«Дўстлик»	12	6	0	6	16-19	18
«Металлург»	12	4	4	4	13-16	16
«Сўғдиёна»	12	4	3	5	14-15	15
«Зарафшон»	11	4	2	5	14-11	14
«Навбаҳор»	12	4	2	6	18-22	14
«Қўқон-1912»	12	4	2	6	12-18	14
«Трактор»	12	3	3	6	13-19	12
«Андижон»	12	3	2	7	12-23	11
«Машъал»	12	3	2	7	11-24	11
«Сурхон»	12	2	2	8	8-22	8

ГИЁҲВАНДЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ҚУШАНДАСИ

ҲАР КИМНИНГ ЎЗИ ХУЛОСА ЧИҚАРСИН

Инсоният XX асрда жуда катта ютуқларга эришди. Ҳар соҳада глобаллашув жараёнлари юз берди. Айнан мана шу асрда ер юзи аҳолиси 3-4 баробарга кўпайди. Инсоният эришган муваффақиятлар хайратланарли, албатта. Бироқ, бу муваффақиятлар одамзот олдига умуминсоний муаммоларни ҳам кўндаланг қўйди. Жумладан, экологик муҳитнинг бузилиши, XX аср вабоси деб аталмиш СПИД касаллигининг кенг тарқалиши инсоният ва ер сайёрасининг эртанги тақдирига жиддий хавф туғдирмоқда.



Ана шундай жиддий муаммолардан бири — гиёҳвандлик бутун бани-башар аҳлини ташвишга солиб турибди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда 450 миллион одам қора дори кашандасига айланиб улгурди ва бу кўрсаткич тобора ошиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хулосасига кўра, гиёҳвандликнинг жадал одими ирсиятга, келажак авлод генига жиддий хавф туғдирмоқда. Айниқса, героин ва опиумдан игна орқали фойдаланувчилар ўртасида СПИД касаллигининг кенг тарқалиши кузатиляпти. Бу ва бошқа сабаблар орқали ҳозир ҳар куни 16 мингга яқин инсон ўзига СПИД вирусини юқтираётган экан.

Агар ўтган асрнинг охирги ўн йиллигига назар ташлайдиган бўлсак, наркотик моддалардан фойдаланувчилар сони ҳаддан ташқари ортган. БМТ ҳузуридаги жиноятчилик ҳамда гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашувчи ташкилот маълумотига кўра, бу офатга гирифтор бўлаётганлар асосан кам тараққий этган давлатлар ҳудудида кўпаймоқда.

Ҳозир бутун дунё давлатлари бу офатга қарши ҳамжиҳатлик билан курашмоқда. Аммо таҳлилий кузатишларга қараганда, гиёҳванд моддалари савдоси кундан-кун авж олмоқда. Биргина 2001 йилда гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи корчалонлар 400 миллиард АҚШ доллари миқдорида фойда кўришган. Бу эса гиёҳванд моддаларни етиштириш ва уларни белгиланган манзилларга етказишни ўз-ўзидан рағбатлантиради. Афғонистонда 20 йилдан ортиқ кечган фуқаролар уруши даврида гиёҳванд моддалари етиштириш очиқдан-очиқ ривожланди. Натижада, ҳар йили дунё бўйича 40 фоизга яқин гиёҳванд моддалар айни шу ўлкада етиштирилди. Бу эса мамлакатда нафақат фуқаролар уруши, балки террористик гуруҳлар кўпайишига ҳам олиб келди. АҚШ ҳукуматининг расмий маълумотига кўра, «Толибон» ҳаракати 2000 йилда биргина опиум савдосининг ўзидан 35-75 миллион долларгача фойда кўрган. Бу маблағ қурол-яроғ сотиб олишгагина сарфланган.

Афғонистонда охирги 10 йилликда вужудга келган вазият кўшни давлатларга ҳам жуда катта салбий таъсир кўрсатди. Ҳозир Эронда 1 миллион 200 минг, Покистонда 2 миллионга яқин киши қора дори балосига гирифтор бўлган. Энди эса Марказий Осиё давлатлари — Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларида ҳам (охирги йиллар кузатишларига кўра) бангилар сони сезиларли суръатда ошган.

Тожикистон Халқ таълими вазирлигининг Душанбеда 5 минг нафар 16-17 ёшдаги мактаб ўқувчилари орасида ўтказган сўровномаси натижаларидан маълум бўлишича, 28 фоиз ўқувчи гиёҳвандлик тўғрисида ҳануз аниқ бир фикрга эга эмас. 25 фоизи эса қора доридан фойдаланиш жиноят эканлигидан бехабар. 15 фоизи эса гиёҳвандликни оддий ҳол, деб билади.

Келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, қора дори балоси кундан-кунга ошса ошаяптики, лекин камаймаяпти. Хўш, нима қилиш керак?

Гиёҳвандларни қамаш, гиёҳвандлик моддаларини ёқиш билан муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Биргина йўли — қора дори инсоният, унинг насл-насаби ва бўлажак авлоди учун ўта жиддий хавф эканлигини аҳолига кенг, муфассал, ишонарли тарзда тушунтира олишдир.

Албатта, бу борада ота-оналардан тортиб, маҳалла фаоллари, ички ишлар, тиббиёт ходимлари, болалар ва ёшлар тарбиясига масъул ташкилотлар ҳамкорликда фаолият кўрсатса мақсадга мувофиқ бўларди. Одамнинг онгида ўзгариш бўлса, ҳар бир киши гиёҳвандликнинг охири фожиа билан тугаши муқаррарлигига кўзи етса, ўзи хулоса чиқарсагина кўзланган мақсадга етиши мумкин.

■ **Юнус БЎРОНОВ**

ПРОФИ-БОКС

«ТЕМИР МАЙК»НИНГ ҚУЛАШИ

Профессионал бокс оламида шон-шуҳрат қозонган америкалик Майк Тайсоннинг бундай мағлубиятга учрашини ҳеч ким кутмаган бўлса керак. Англиялик Леннокс Льюис жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолишга қаттиқ тайёргарлик



кўргани маълум бўлди.

Учрашувнинг дастлабки уч раундида рақиби билан тенгма-тенг олишган «Темир Майк» жангнинг қолган қисмида ўзини ҳимоя қилиш билан чекланди.

Саккизинчи раундда эса Леннокс орани узил-кесил очиқ қилди. Унинг галдаги кучли зарбасидан «Темир Майк» полга қулади. Шуниси қизиқки, у ҳакамга ҳам, рақибига ҳам ҳеч қандай эътироз билдирмади. Қайтага Льюисни табриклади.

ТЕННИС

«TOSHKENT OPEN» – КАШФИЁТЛАР МАЙДОНИ

Етти йилдирки, июнь ойининг ҳар иккинчи ўн кунлигида дунёнинг иқтидорли теннисчи қизлари Тошкентда жам бўлишади. WTA таснифига кирувчи соврин жамғармаси миқдори 140 минг АҚШ долларини ташкил этган «Toshkent open» анъанавий халқаро турнири жаҳоннинг йигирмадан ортиқ мамлакатлари ракеткачилари маҳоратини синовдан ўтказади. Қувонарлиси, бу нуфузли мусобақада АҚШ, Россия, Франция, Австралия, Германия, Испания сингари давлатларнинг кучли теннисчи қизлари билан бир қаторда вакилларимиз ҳам кортга чиқишади. Ёш ва истеъдодли ракеткачиларимизнинг халқаро баҳслар ҳадисини олишлари, ўз тажрибаларини оширишларида эса «Toshkent open» катта мактаб вазифасини ўтаб келмоқда. Бугунги кунда дунё теннис таснифида ўн еттинчи поғонани банд этиб турган ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова ҳам айнан шу турнир «қозонида қайнаган», ўз маҳоратини ошириб, «Toshkent open — 2000» ғолиби бўлганди.

Бу йилги мусобақалар ҳам теннис ихлосмандлари, мутахассисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Турнирнинг саралаш учрашувларида республикамизнинг 16 нафар ёш ракеткачилари ҳам асосий турдан жой олиш учун курашдилар. Бироқ, мамлакат миқёсидаги чемпионат, турли мусобақалар ғолиблари бўлган Наргиза Акрамова, Анна Шчупак, Муаттар Абдуҳолиқова, Кира Безверхова, Наталья Никитина сингари теннисчиларимизда иштиёқ баланд бўлса-да, маҳорат етишмади. Энди асосий тур учрашувларига тўғридан-тўғри йўл олган Оқгул Омонмуродова, Иванна Исроиловалар юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.



Қуръага кўра, Оқгул биринчи учрашувда мусобақанинг учинчи ракеткачиси ҳисобланаётган италиялик Татьяна Гарбин (рейтинг қаторида 89-ўрин)га қарши кортга чиққан бўлса, Иванна эса Ленка Немечкова (Чехия, 143) билан баҳс юритди. Ҳар иккала учрашувда ҳам вакилларимиздан омад юз ўгирди: Омонмуродова — Гарбин — 2/6, 5/7. Исроилова — Немечкова — 6/2, 6/7 (4), 1/6.

■ **Эркин ХОЛБОБО,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти таниқли олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Маҳмуджон Нурматов ва фалсафа фанлари номзоди Муножатхон Нурматовага фарзанди

ЖАВЛОНБЕКнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти таниқли олим, фалсафа фанлари доктори, профессор

Мираҳмад **АБДУЛЛАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси газетанинг фаол муаллифларидан бири, Ўзбекистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори Маҳмуджон Нурматовга ўғли

ЖАВЛОНБЕКнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 471

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.25
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA